

Истиқлол

Категория: Мустақиллик ва миллий ғоя – Мустақилликни мустаҳкамлаш ғояси;

Муаллиф: Ортиқов Ш

"Истиқлол" бу (кўтарилиш, қаддини ростлаш, ўсиш, юқори жойга эришиш) — ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шартлари.

"Истиқлол" сўзи "мустақиллик" сўзига нисбатан бирламчидир. "Истиқлол" сўзи "бошқаларга тобеъ бўлмай ўз эрки билан яшаш, ўзини ўзи идора қилиш, эркинлик" маъносини билдиради.

Ўзбекистон 1991 йили 31 августда ўз истиқлолини қўлга киритиб, жаҳон майдонига чиқиб, қаддини ростлади. Истиқлолининг барча маъноларини амалга ошириб бўлганидан кейингина мустақилликка тўла эришиши мумкин. Мустақиллик тушунчаси кўпинча сиёсий мустақиллик маъносида қўлланилади. Истиқлолга эришган кўпгина давлатлар ҳали иқтисодий жиҳатдан қарамликдан тамоман қутила олмаган бўлиши мумкин. Истиқлол сўзи бошқаларга тобеъ бўлмай, ўз эрки билан яшаш, ўзини-ўзи идора қилиш, эркинлик маъносини билдиради. Мустақиллик эса ихтиёри ўзида бўлган, тобеъ эмаслик, қарам эмаслик, ўзганинг ёрдамисиз ва раҳномолигисиз ўз масалаларини ҳал қила оладиган, ўзича эркин фикр юритиб, кун кечира оладиган, деган маъноларни билдиради. Истиқлол ўзаро ҳурмат, бири-бирини тан олиш, бири-бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқароларининг ўзаро муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниши, ана шу умумий мезонлар асосида яшаш демакдир. Мустақиллик — жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири билан боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлашдир. Истиқлол — эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳияти.

Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужассам этади. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамиша озодлик ва ҳурриятга интилиб яшайди. У қалбида ўзини ҳамиша ҳар жиҳатдан эркин ҳис қилишга, тақликасииз турмуш кечиришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам кишилик тарихи турли даврларда Ер шарининг барча минтақаларида озодлик учун курашнинг, шаклан турлича, моҳиятан ўхшаш бўлган ҳурриятга интилиш ҳодисаларини кўп кўрган.

XX асрнинг интиҳосида дунёнинг қарийб учдан бир қисмида мисли кўрилмаган ҳодисалар содир бўлди. Социализм деб аталган тоталитар тузум, коммунистлик мафкура деб аталмиш зўравонлик ва тазйиққа асосланган мафкура таназзулга учради. Жаҳонга, Ер юзига ҳокими мутлоқликни даъво этган СССР жамият сифатида ҳам, давлат сифатида ҳам жарга қулади. Унинг таркибига кирган иттифокдош республикалар том маънодаги мустақиллик мақомини олишди.

Хўш, мустақилликнинг ўзи нима? Истиқлол нималарга асосланади ва унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Энг аввало шуни айтиш керакки, мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадамдир. Чунки, тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади. Мутелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Натижада биз сўнгги бир ярим аср мобайнида бошимиздан ўтказган муштамлақачилик дунёга келади. "Тенглик" сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатларидан тортиб, мамлакатлараро муносабатларгача ҳамма нарсени меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча таъзим-тавозега чек қўяди.

Истиқлол бизга ўзлигимизни англатди. Инсон ўзининг инсонлигини қанчалик чуқур тушунса, яшашнинг мазмун-моҳиятини ҳам шунчалик чуқур англайди. Ўзлигини англаган киши оламнинг бор ранг-баранглиги билан бирга ҳаёт мазмунини, ўзининг шунчаки тириклик ва мавжудлик белгиси эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлиги, шу аснода инсон қадру-қимматини тобора теранроқ англай бошлайди. Маърифатга муҳтожлигини, хурофот ва жаҳолат ҳаёт кушандаси, манкуртлик, ўзлигини ва оламни унутиш эканлигига тобо-ра кўпроқ ишонади. Демак, бевосита ички бир даъват ва қувват билан маънавий етукликка, комилликка интилади. Бу — Истиқлолнинг мўъжизаси. Истиқлол ҳуррият деган сўзлар, бутун жозибаси билан бирга бекиёс қудратини, буюк ўзгартирувчилик мўъжизасини кўрсатмоқда. У дунёқарашларимизни тубдан ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда. Воқеалар ривожини бутун моҳияти билан англашни дунёга кенгроқ ва теранроқ назар билан қарашни, бу кўҳна оламда шўро тизимидан бошқа давлатлар тизими ҳам борлигини, бошқача яшаш ҳам мумкин эканлигини, коммунистик мафкурадан бўлак ҳаёт лаззатини, инсон қадру-қимматини ҳимоя қиладиган ўзга ғоялар ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Зотан, Истиқлолнинг буюк моҳияти бекиёс қадрият эканлиги тушунилади. Мустамлакачиликнинг кишилиқ тарихидаги фожиаси — унинг инсонни мустақил фикрлашдек улкан иқбидоридан маҳрум этганида. Истиқлол ана шу фожианинг аччиқ мазмунини очиб берди. “Ўтиш даврида индивидуал ва ижтимоий онгни шугарган воқеликка монанд равишда қайта шакиллантириш, тафқур тарзини тубдан ўзгартириш асосида турмуш тарзини ҳам ўзгартиришга эришиш юқоридаги мақсадларга хизмат қилади. Шу жараёнда миллий ўзлиқни ва ўз-ўзини англаган комил инсонлар шахси шаклланади.”^[1]

.” Мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, ўзтақдирини ўзи белгилашга, ўз ҳаётини ўзи изга солишга қодир одам зиддиятларни осонлик билан енгади, бу дунёнинг шиддатли муаммолар бўрони қаршисида довдираб қолмайди. Ана шу оддий ҳаётий ҳақиқатни давлат мустақиллигига ҳам қиёслаш мумкин.

Мустақиллик мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган тўсиқлар ва зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида ўз раънақининг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш билан бирга ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний манфаатларга мос келадиган андозаси асосида яшаш демақдир. Агар у ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик мамлакатлараро, давлатлараро ва минтақалараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни қарор тотирмаса ўз қобиғида қолиб кетиши, миллий маҳдудлик доирасидан чиқолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг ана шу ҳаёт тажрибасидан ўтган тамойиллари ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверади. Чунки у доимий равишда ривожланиб, ўз-ўзини бойитиб, такомиллаштириб, онг ва тафаккурни чархлаб борадиган воқелиқдир.

Мустақиллик — табиатан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топтириш мезони. Айни пайтда у ҳаракатларнинг, интилишлар ва қобилятларнинг кучайишини тақозо этадиган ҳодисадир. Донишмандлар айтганидек, ҳар қандай фаоллик тамойиллари ҳаракатлар эркинлигига замин яратиши, унга суяниши керак. Акс ҳолда боқимандалик иллатлари сурункали касалликка айланади. Демак, ҳар қандай хатти-ҳаракат, ҳар қандай интилиш ўз-ўзидан бунёдкорлик, яратувчилик руҳи билан йўғрилган бўлиши даркор. Ана шунда эркинлик самарасиз, фаолиятсиз ҳодисага айланмайди.

Мустақиллик имкониятларини олдиндан пайқаган, мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларининг боришини тўғри кузатиб, тўғри баҳолай билган Ўзбекистон иттифоқдошлари орасида биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди. 1991 йил 31 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги

тўғрисидаги Баёноти Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий йўлини тўла қонунлаштириб берди. Бу тарихий ҳужжатда қуйидаги хулосалар илгари сурилган эди:

- "Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқиинг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлари эътиборга олиб,
- Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақ-дирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,
- Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб,
- шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг, мустақил давлат ўртасидаги чегараларининг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб,
- миллати, линий эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб,

и • Мустақиллик Декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ўз таркибидаги Қорақалноғистон Республикаси билан бирга, ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуқга эгадир". Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз, унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоғи керак. Сиёсий қурилма борасидаги вазифаларимиз, қисқача айтганда, қуйидагилардан иборат:

- ҳақиқий демократия қарор топ ар экан, унда республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилади;

- Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади - қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига. Бу принципларга амал қилмасдан туриб, ҳеч қачон ҳуқуқий давлатга эришиб бўлмайди,

Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. - Т., 1996. - 15-6.

Энг муҳими, одамлар ҳукумат танлаган йулнинг тўғри ва ҳаққоний эканига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Бу бизнинг энг катта ютуғимиздир. Иккинчидан, одамлар тафаккурида ўзгариш юз бермоқда. Бу - таракқиётимиз гарови, катта имкониятдир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятдан моҳирлик билан оқилона фойдаланишда қолган.

Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик // Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. - Т., 1996. - 149-6.

Дарҳақиқат, биз ижтимоий-сиёсий жараёнлар одамлар ҳаётини кескин тарзда бир ўзандан иккинчи ўзанга буриб юборган, ҳаётимиз бутунлай бошқача тус олган ва турмушимиз

Ўзгача мазмун касб этган мураккаб руҳий-маънавий ҳолатни бошдан кечиряпмиз. Йиллар мобайнида қотиб қолган тушунчаларимиз ўзгармоқда ва мудраб қолган онгимиз уйғонмоқда.

Мустақиллик, ҳуррият деган сўзлар бутун жозибаси билан бирга бекиёс қудратини, буюк ўзгартирувчилик мўъжизасини кўрсатмоқда. У дунёқарашларимизни тубдан ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда. Воқеалар ривожини бутун моҳияти билан англашни, дунёга кенгроқ ва тийрақроқ назар билан қарашни, бу куҳна оламда шўро тузумидан бошқа адолатли тузумлар ҳам борлигини, бошқача яшаш ҳам мумкин эканлигини, коммунистик мафкурадан бўлак ҳаёт лаззатини, инсон қадр қимматини ҳимоя қиладиган ўзга ғоялар ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Зотан истиқлолнинг буюк моҳияти, бекиёс қадрияти ана шунда. Мустамлакачиликнинг кишилиқ таъриҳида андуҳ ва кулфатлар ёғдирган бекиёс фожиаси — унинг инсонни мустақил фикрлашдек улкан иқтидоридан маҳрум этганида. Мустақиллик ани шу фожианинг аччиқ мазмунини очиб берди.

Истиқлол бизга ўзлимизни англади. Узини англаган худони англайди, ўзини таниган худони танийди. Худони англаш — оламни англаш, оламни тушуниш — одамни тушуниш, демакки, ҳаётнинг мазмунини идрок этиш демакдир. Инсон ўзини бутун моҳиятини, ўзининг инсонлигини қанчалик чуқур тушунса, яшаш мазмун моҳиятини ҳам шунчалик чуқур англайди. Ўзбекистон мустақиллик сари йўл олар экан, дастлабки кунларданоқ ўтмиш маданияти ва қадриятларини тиклаш, ноҳақ жабрланган инсонларнинг муборак номларини юзага чиқариш, миллий онни ўстириш каби вазифаларни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик. Ўзлигини англаган киши оламнинг бор ранг-баранглиги билан бирга ҳаёт мазмунини, ўзининг шунчаки тириклик ва мавжудлик белгиси эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигини, шу аснода инсон қадр қимматини тобора теранроқ англай бопшайди. Маърифатга муҳтожиини, хурофот ва жаҳолат ҳаёт кушандаси, манкуртлик — ўзлигини ва оламни унутиш эканлигига тобора кўпроқ ишонади. Демак, бевосита ички бир даъват ва илоҳий қувват билан маънавий етукликка, комилликка интилади. Бу — истиқлолнинг яна бир мўъжизаси.

Айни дамда истиқлол туфйли миллий ўзликни англаш масаласи ҳам рўёбга чиқмоқда. Миллий ўзликни англаш халқнинг ривожланиш йўналишини унинг халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик ва бирдамлиги ҳамда умумий фуқаролик менталитетининг шаклланишида ҳамжиҳатликка йўналтиради. Миллий ўзликни англаш жараёни нафақат туб аҳол балки шу давлатда яшовчи турли миллат ва элатларни манфаатини ҳисобга олади. Истиқлол фалсафасида ўз аксини топган. Истиқлол фалсафаси — мустақил ривожланишни таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими. У истибдод мафкураси ва амалиётига қарши, озодликка интилиш зарурати туфайли пайдо бўлади. Миллий Истиқлол фалсафаси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакиллариининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу идеалларини, олийжаноб мақсад муддаоларини ўзида мужассам этади. Халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир. Бунинг учун барча бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳаётий манфаатларини юракдан ҳис этган ҳолда уларни рўёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилиши, курашиши зарур. Бу жараён халқимизнинг манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган миллий ғояни англаш билан боғлиқ ҳолда кечади. Ватан манфаати ҳар бир фуқаро манфаатлари билан узвий боғланган. Зеро, Ватаннинг ободлиги халқнинг фаровонлигига боғлиқ. Фуқароси бадавлат мамлакатгина моддий ва маънавий тўқис бўлади. Шундай экан, Истиқлол фалсафасининг муҳим тамойилларидан бири инсон қадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини

оширишдан иборат. Бунга эришиш учун халқимиз, юртимиз фуқароларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа миллий Истиқлол фалсафасининг моҳиятини ташкил этади. Истиқлол фалсафаси ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурчи ва масъулиятни қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир. Истиқлол фалсафаси қуйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади: қонун устуворлиги; инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлик; турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжиҳат яшаш; диний бағрикенглик; дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик; ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятларини ўрганиш. Истиқлол фалсафасининг назарий жиҳатлари И.А.Каримовнинг асарларида атрофлича ёритиб берилган. Миллий Истиқлол фалсафаси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги илмий, назарий, фалсафий, тарихий қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи, барча тоифа кишиларни шу мақсад йўлида бирлаштирувчи маънавий омил ҳисобланади.

Шўролар замонида фалсафа фақат синфий бўлади, у миллий бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобланар эди. Миллий фалсафа хусусида ҳатто сўз ҳам юритилмас эди. Бунинг натижасида узбек миллатининг миллий онги, дунёқараши, миллий ғурури, ифтихори анчагина сулалаштириб юборилган эди. Миллий мустақилликка эришилгач, Ўзбекистоннинг Истиқлол фалсафасини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш, уни халқ орасида кенг тарғибу ташвиқ қилиш, ҳар бир фуқаро онгига мустақилликнинг мазмун ва моҳиятини сингдириш, истиқлол йўлига мос ва хос ўзбек миллий фалсафасини илмий асосда яратиш каби ўта муҳим масалалар пайдо бўлди. Бу фалсафа бобоқалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч-эътиқодини акс эттиради. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишга сафарбар этади. Миллати ва динидан қатъи назар, фуқароларимизнинг қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Истиқлолга интилган Ўзбекистон халқи мустақилликка эришди. Мамлакат раҳбариятининг оқилона, шахдам ва матонат билан ҳаракат қилиши туфайли Ўзбекистон истиқлол йўлига дадиллик билан чиқди. Энди юртимиз истиқлолининг энг мураккаб масаласини ҳал этиш даркор, у ҳам бўлса, Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришдир.

Мустақилликни мустаҳкамлаш

Категория: Мустақиллик ва миллий ғоя – Мустақилликни мустаҳкамлаш ғояси;

Муаллиф: Ортиқов Ш

МУСТАҚИЛЛИК — 1) Тазйикдан, назоратдан холи бўлиш, эркинлик; 2) иқтисодий, сиёсий, маънавий тобе бўлмаслик. Узбек тилида Мустақиллик атамаси одатда истиқлол сўзи билан яқин маънода қўлланилади ва узлуксизликни англатувчи чуқур, кенг қамровли жараёни акс эттиради. Мустақиллик «ихтиёри ўзида бўлган, тобе эмаслик, қарам бўлмаслик, ўзганинг ёрдамисиз ва раҳнамолигисиз ўз масалаларини ҳал қила оладиган, ўзича эркин фикр юритиб, кун кечира оладиган» маъноларни билдиради.

Мустақиллик «ихтиёри ўзида бўлган, тобе эмаслик, қарам бўлмаслик, ўзганинг ёрдамисиз ва раҳнамолигисиз ўз масалаларини ҳал қила оладиган, ўзича эркин фикр юритиб, кун кечира оладиган» маъноларни билдиради. Мамлакатимиз 1990 й. 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг II сессиясида «Мустақиллик Декларацияси» қабул қилинган. Унда ўзбек халқи давлатчилиги тарихи, тажрибаси, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида республикаимизнинг давлат Мустақиллиги эълон

қилинди. Олий Кенгашнинг 1990й. 31 августда навбатдан ташқари VI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот» берилди. Ўзбекистон Республикасининг давлат Мустақиллигининг асосий ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиб, у 1992 й. 8 декабрда Олий Кенгашнинг 12-чақирик 11-сессиясида қабул қилинган. Унинг нафақат иқтисодий Мустақиллиги, балки сиёсий, маънавий тараққиётнинг илмийназрий ва амалий жиҳатларини таъминловчи тамойиллар Ўзбекистон Президентга И.А.Каримов асарларида ўз аксини топган. Мустақиллиги йилларида шаклланиш йўлига кирган миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларини, миллий ўзлигимизни ўзида мужассамлаштириб, уларни умуминсоний қадриятлар, дунё цивилизацияси ютуқлари ҳамда илғор, тараққийпарвар ғоялар билан бойитиб, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсад ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттиради. Унинг воситасида ҳар бир давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олади. Мамлакатимиз Мустақиллигининг бугунги бош стратегик мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бунда қуйидаги бир қатор соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда:

Иқтисодий соҳада барча соҳа ва тармоқларда эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини янада ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир.

Сиёсий соҳада жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини ошириш — мамлакатимизда амалга оширилаётган бу борадаги ислохотларнинг энг асосий йўналишларидир.

Ижтимоий соҳада жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бошқаруш муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳоз. шароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш асосий тамойиллардан бири бўлиб қолаверади.

Маънавий соҳада илм-фан ютуқларини амалий ишлар билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштиришга, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик асосий вазифалардир.

Мустақиллик нафақат жамият ва давлат ҳаётининг асосий мезони, балки ҳар бир инсон, фуқаро умрининг мазмунини ҳам белгилайди. Ана шу маънода у нафақат имконият, балки юксак масъулиятдир.

Луғатларда мустақиллик (араб, тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалиқ, қарам эмаслик) — инсоннинг эркин ва озод равишда, ўз ихтиёри билан бошқаларга бўйсунмасдан иш юрита олиши, миллат, давлат ва жамият ҳаёти, уларнинг тарққётини, устувор мақсад ва вазифаларини мустақил тарзда амалга оширишлилини англатадиган тушунча Мустақиллик барча жабҳалардаги ҳар қандай камситиш, тобелликни инкор этади, ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлаш, миллий ва умум-башарий қадриятларга таяниб иш қўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккур асосида яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини эмин-эркин ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради. Биз учун мустақиллик, энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳар бир хонадонда тинчлик, осойишталик, баркамолликни сақлашдир. Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик яратган томонидан эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақли заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт кечириш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдириш. Ҳақиқатан ҳам, чунки истиқлол туфайли миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори ортди. Биз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқи аъзосимиз. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонни дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакати тан олди, 125 дан ортиқ мамлакатлар билан расмий дипломатик муносабатларини ўрнатдик. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги юзлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 90 тадан ортиқ чет эл ваколатхоналари рўйхатдан ўтган. Шулардан, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилот ишлаб турибди. Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз кўплаб муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Мустақиллик йилларида давлатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги тамойиллари ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилар:

- биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;
- иккинчидан, тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормалардан устунлиги;
- бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам ички томонлама ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.
- Республикамизда истиқлол шарофати билан таълим, фан-техника соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки жамиятнинг ақлий ва маънавий салоҳиятини оширишда таълим, фан ва технологияларни ривожлантириш ислохотлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири. Мазкур устувор йўналишнинг аҳамияти жамиятни янгилашдан иборат бутун жараёни бошқа йўналишларига сингиб кетади.
- Бу жараён, албатта, кадрлар салоҳиятига, унинг касб жиҳатдан тайёрлаган, илмий-педагогик фаолияти ва ижодий қобилиятига боғлиқ бўлади. Фақат бугина эмас, мустақиллик туфайли узоқ асрлардан бери руҳдари рўшноликка зор бўлган боболаримиз маданияти ва фанимизнинг улкан арбоблари Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Мотурудий, Марғилоний, Аҳмад Фарғоний, Ҳаким Термизий, Хожа Аҳрор Валий каби кўплаб азиз инсонларимизнинг номи тикланди. Истиқлол шарофати билан фалакнинг гардиши, шўро замонининг айби билан ўзга юртларга бош олиб кетган қариндош-уруғлари топилди, борди-келдиларга йўл очилди. Ўзбекистон бугунги кунда дунё давлатларининг халқаро анжуманлари, форумлари ўтказиладиган маданий ўчоққа айланиб қолди. I

Президент Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ одамлар онги ва тафаккурида ўзгариш яшаш асосида Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўзига хос қуйидаги тамойилларини ишлаб чиқди:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- ватанпарварлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши.

Бу тамойиллар халқ дунёқараши, яшаш тарзи, воқеа-ҳодисаларга муносабати, маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки, биринчидан, Шарқда азалдан маънавиятга таяниб яшаш, комилликка интилиш, ҳар томонлама баркамоллик олий қадрият даражасига кўтарилган. Одамларнинг миллати, ирки, ижгимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, ягона ўлчов — инсонни инсонлиги учун улуғлаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган.

Иккинчидан, ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмаса, унинг эҳтиёжларига мос келмаса таназзулга учраши табиий. Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов ўз мамлакати истиқболи ҳақида фикр юритар экан, "Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир", деган эди.

Бу фикрдан англашиладики, Президент мамлакат куч-қудратини халқнинг маънавий камолотида кўради. У жамики инсоний фазилатларни такомиллаштириш учун зарур шароит яратиш вазифасини қўймоқда. Бу биринчидан, давлат сиёсатининг нечоғлик инсонпарварлигини кўрсатса, иккинчидан, давлат раҳбарининг сиёсий маданиятини, халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларини нақадар чуқур ўрганганлигини кўрсатади. Учинчидан эса, бу халқ ва ҳокимият интилишларининг муштараклигидан далолат беради.

Инсонпарварлик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, уларни асраб-авайлаш билан бирга янги замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш — тараққиёт мезони, миллий равиш асоси. Бундай руҳиятдаги одам ҳеч қачон бировга тазйиқ қилмайди, шафқатсизлик ва зўравонлик каби ғайриинсоний иллатларга ҳамиша нафрат билан қарайди. Уз табиатига мос равишда бағри кенг ва мурувватли бўлади.

Биз учун мустақиллик - Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган габиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озор ва обод ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол - миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкати кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун -

миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар - эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Биз учун истиқлол - давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир.

Мустақиллигимиз боқий бўлсин! // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. - Т., 1996. - 283-284-б.

<http://istiqlol.samdu.uz/uzc/article/181>